

Дурбек РАҲИМЖОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
хузуридаги Малака ошириш маркази
директори, тарих фанлари номзоди, доцент

МУТААССИБ ИНСОННИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАҲДИДИ

Кириш. Инсон характери психологик нуқати назардан тўрт хил темпераментга бўлинади: сангвиник, холерик, флегматик ва меланхолик. Булардан бирига эга бўлган шахснинг характери иккинчисига ўзгармайди. Инсон ўз устида ишлаши натижасида ёмон феъллардан узоқлашиб, яхши фазилатларни қўлга киритиши мумкин, аммо инсондаги туғма характер сақланиб қолади. Диний манбаларда ҳам инсон феъл атворининг шу хусусияти ҳақида айрим маълумотлар берилган. Туғма характерга эга бўлган инсон феълнинг ўзгармаслиги ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилади: “Агар бир тоғ ўрнидан бошқа жойга кўчибди, десалар, унга ишонинг, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди, десалар, ишонманг, чунки у албатта туғма феълига қайтур” [Муснади Имом Аҳмад; 2:50-51]. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсоннинг туғма хулқи унинг ҳаётидаги кўпгина жараёнларда бирламчи ролни ўйнайди. Лекин келтирилган ҳадисдан “Инсон хулқи ўзгармас экан, унда инсоний фазилатларни такомиллаштиришнинг ҳам, ўз устида ишлашнинг ҳам фойдаси йўқ экан”, деган хулоса чиқмаслиги керак. Чунки илоҳий китобларда ҳам, антик давр файласуфларининг асарларида ҳам инсон хулқи ва илмини ривожлантириш устида ишлаш унинг ҳаётидаги муваффақиятлар гарови эканлиги ҳақида кўп мартаба айтилган.

Услублар. Бугунги кунда инсоният ҳамжамияти олдида турган катта муаммолардан бири бу мутаассибликнинг турли кўринишларда намоён бўлишидир. Айниқса, диний шиорлар остига яширинган мутаассиблик инсоннинг соф туйғулари билан боғлиқ бўлган қадриятларнинг топталишига сабаб бўлмоқда. Мутаассиблик кайфиятидаги инсон ўзининг туғма хусусиятлари сабабли мутаассиб бўладими ёки ёшлиқдан шаклланиб келган ҳаётий тажрибаси сабаблими? Мутаассибликнинг олдини олиш мумкинми ёки бундай хусусият инсонда доимий сақланиб қоладими? Мақолада шу каби саволларга тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Натижа. Халқ орасида машҳур ривоятга кўра, бир донишманднинг хузурига ёш йигит оппоқ йўргакдаги чақалокни кўтариб кириб, шундай деди:

– Фарзандли бўлган эдим, уни тарбиялашнинг сир-асрорларини ўргатсангиз.

– Кечикибсиз, бўтам.

– Тақсир, ўғлимиз эндиgina икки ойлик бўлди.

– Тарбия бола туғилмасдан анча олдин, унга она танлашдан бошланади, – деди донишманд.

Ривоятдан кўринадики, инсон тарбиясида онанинг ўрни бекиёс. Аммо ўз фарзандлари учун она танлашда эркак киши нималарга эътибор бериши кераклиги ҳадиси шарифда шундай баён қилинади.

هذا الحديث رواه البخاري (٢٠٨٤) ومسلم (٦٦٤١) عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : (تَشْكُحُ الْمَرْأَةُ لِأَرْبَعٍ : لِمَالِهَا ، وَلِحَسَبِهَا ، وَلِجَمَالِهَا ، وَلِدِينِهَا ، فَأَظْفَرُ بِذَاتِ الدِّينِ تَرَبُّتٌ يَدَاكَ) .

Имом Бухорий ва Муслим саҳоба Абу Хурайра (р.а.) дан ривоят қилган ҳадисларида айтилишича Расулulloҳ (с.а.в.) айтадилар: “Аёл кишига тўрт нарсаси учун уйланадилар: бойлиги, насаби, чиройи ва дини учун, сен динини танла, барака топгур!”.

Мазкур ҳадисдан шу нарса маълум бўладики, оила қуришдан мақсад солих фарзандларни дунёга келтириб, уларни яхши инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат бўлиши керак. Лекин афсуски, кейинги вақтларда айрим хонадонларда келин ёки куёв танлашда биринчи ўринга моддий манфаатлар чиқиб қолаётгани кўриниб қолмоқда. Бу нарса совчиларнинг юришида, киз кўришга келганларнинг авваламбор уй-жойнинг савлатига эътибор қаратаётганларида, қизнинг кимлардан қандай тарбия олганига эмас, балки ундан қанча моддий манфаат етиши мумкинлигига назар солаётганликларида намоён бўлмоқда.

Муҳокама. Шу ўринда ниятлар ҳақидаги ҳадисни келтириб ўтиш ўринлидир. Ислом динининг бирламчи манбаси Қуръони каримдан кейинги, иккинчи ўринда турувчи ҳадислар тўплами Имом Бухорийнинг “ал-Жоме ас-саҳих” (“Ишончлик тўплам”) асарида биринчи бўлиб келган ушбу ҳадис инсон ҳаёти моҳиятини акс эттиради десак муболаға бўлмайди: “Албатта барча амаллар ниятларга қараб эътибор қилинади. Ҳар бир киши ўз ниятига етгусидир...” [3:7]. Ушбу таълимотга кўра, биргина ниятга қараб инсон ҳаётидаги ишлари қандай кетиши белгиланади. Мисол тариқасида Қуръони карим “Бақара” сурасининг 130-оятида Иброҳим пайғамбар (а.с.) Каъбани қурганларидан сўнг дуо қилганлари ҳақидаги хабар берилади: “Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан

бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикматни (Қуръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, сен қудрат ва ҳикмат соҳибсан”. Ушбу пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) эди. Келтирилган оятда фарзанд дунёга келишидан олдин қандай дуо қилиш лозимлиги ўргатилади. Ушбу дуонинг ичида дунёга келажақ гўдакнинг ҳаётидан асосий кўзланган мақсад, ният ҳам акс этган. Ислом тарихидан Иброҳим (а.с.) қилган дуолари амалга ошиб, Муҳаммад (с.а.в.) инсонларга илоҳий Китоб (Қуръон) ва Ҳикмат (ҳадислар)ни ўргатганликлари маълум.

Таҳлил. Инсон яхши ниятда дунёга келганидан сўнг унинг нима мақсадда, ниятда дунёга келганини чуқур англатиш унга бериладиган тарбиянинг асосий қисмини ташкил этади. Ота-онанинг шахсий ўрнаги бола тарбиясида бирламчи ролни ўйнайди. Бу дегани фарзанд тарбияси билан шуғулланмоқчи бўлган киши авваламбор ўз тарбияси устида ишлаши керак.

Юқорида инсон табиатидаги ўзгармас характерлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтдилди. Инсон туғилишидаги мазкур характерларни билишдан мақсад ўзгартиришдан тўхташ эмас, балки уни тарбиялашда қайси нуқтадан бошлаш кераклигини аниқлашдир. Масалан, қизиққон табиатга эга холерик темпераментга эга шахсларда мутаассиблик кўпроқ намоён бўлиши мумкин. Бундай шахсларни тўғри томонга йўналтириш, тарбиялаш учун бағрикенгликка, вазминликка чақирувчи ҳикматларни уларнинг ҳаётий шиорига айлантириш лозим бўлади. Бунда диний манбаларда келган бағрикенглик ғоялари билан бир қаторда, ҳаётий ибратли ривоятлар қўл келади. Бугунги кунда зиёлилар олдида катта вазифа бўлиб турган умумтаълим мактабларининг барча синфлари учун “Тарбия” фани дарслигини яратишда бу омил асосий эътибор марказида турган масалалардандир.

Мутаассиблик кайфиятдаги инсонни жамият учун фойдали шахс қилиб қайта тарбиялаш, яъни ижтимоий реабилитация қилиш учун авваламбор унинг асли табиатида

яхши инсон бўлганлигини эсда тутиш ва унинг ўзини ҳам шунга амин қилиш лозим бўлади. Чунки мутаассиб инсон куч билан бошқаларга тазйиқ ўтказиш, улар ҳаётига зомин бўлиши учун кўпинча узоқ ва мураккаб тарғибот йўлини босиб ўтган бўлади. Айниқса дин номидан экстремистик ёки террористик фаолиятни амалга ошираётган инсонга “ушбу дин манбаларида зўравонлик ва куч ишлатишга чақирилади”, деган ғоя сингдирилади. Шунинг учун ҳам унинг онгига сингдирилган мазкур мафкурани ундан чиқариб ташлаш керак бўлади. Ана шу жараён мутаассиблик ва экстремистик кайфиятдаги кишини реабилитация қилиш деб номланади.

Диний ёки қайсидир мафкура билан боғлиқ терроризмга қарши кураш стратегик ва узоқ муддатли ёндашувни талаб қилади. Бунинг учун реабилитация қилинувчида терроризмга олиб боровчи ғоя ва таълимотларга қарши туриш учун унда иммунитетни шакллантириш керак бўлади. Зўравонликка асосланган экстремизмга қарши курашнинг бугунги кундаги ёндашувларига реабилитация, реинтеграция, яъни мутаассиб бўлган шахсни жамиятга қайта интеграция қилиш каби усулларни айтиб ўтиш мумкин. Одатда мутаассиб кайфиятдаги шахс бошқалар билан чиқишиб яшаши қийин бўлади. Шунинг учун ҳам бундай характердаги шахсни жамиятга интеграция қилиш анча қийин кечади. Аммо тушкунлик ҳам ярамайди. Мунтазам тушунтириш ишлари, бу каби инсоннинг қалбига кириб бориш билан муаммони бартараф этиш мумкин.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида дин ниқобидаги экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига берилиб қолган шахслар билан ишлаш, уларни реабилитация қилиш экстремизмга қарши курашнинг самарали усулларида бири сифатида қабул қилинмоқда. Халқаро миқёсда ҳам экстремизм ва терроризмга қарши курашда реабилитация усулидан унумли фойдаланилмоқда. 2003 йилнинг бошларида Сингапур, Саудия Арабистони ва Яман каби давлатлар терроризмга қарши реабилитация

усулидан фойдалана бошлаган эдилар [4:XV]. Бугунги кунда кўпгина давлатларнинг мутахассислари террорчилик жинояти билан қўлга тушган ва жазо муддатини ўтаётган кишиларни реабилитация қилиш, бундай дастурларни амалга оширишнинг муҳимлигини тушуниб етдилар ва шу сабабли ҳам уларни амалга оширишга жиддий киришдилар. Айниқса, Малайзия, Индонезия, Филиппин, Бангладеш, Ироқ, Афғонистон, Уммон, Марокаш, Нигерия каби давлатларда бунга катта эътибор бера бошладилар [4:XVI].

“Ал-Қоида”, ИШИД, “Боко Ҳарам” ва “ал-Жамоа ал-исломия” каби экстремистик гуруҳлар таъсирига берилган шахсларни реабилитация қилишда уларнинг ислом ҳақидаги нотўғри қарашларини тўғрилаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай гуруҳларнинг мафкураси диний тушунчаларни нотўғри талқин этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Агар бу каби гуруҳлар таъсирига берилган шахсларни ўз ҳолига ташлаб қўйилса, янада радикаллашиб, хавфлироқ жиноятчига айланиши мумкин. Бундай гуруҳларнинг фаолият услублари кўпроқ кишиларда мавжуд ҳолат ва тузумга нисбатан ғазаб ва нафратни уйғотишдан иборатдир. Зикр этилаётган реабилитация жараёни бундай ижтимоий-психологик ёрдамга муҳтож кишиларнинг ичида кечаётган психологик ҳолатни ислоҳ қилишга ёрдам беради.

Экстремистик ғоялар таъсирига берилган кишиларнинг бир-биридан фаркли турли даражалари мавжуд. Реабилитация жараёнида ушбу турли даражадаги мутаассиблик даражасини аниқлаб олиш муҳим ўрин тутди. Радикалликка берилган шахслар билан ишлаш бўйича ўрганишлар натижалари шуни кўрсатадики, сабаблар турлича: 1) ижтимоий муаммолар, яъни болаликда етарлича меҳр, эътибор кўрмаганлик, 2) молиявий-иқтисодий муаммолар, яъни бирор касб-ҳунарни эгалламай, ҳаётга мустақил қадам қўйган вақтда дуч келинадиган моддий қийинчиликлар ва ҳ.к.

Аслида, реабилитация инсон онгини ўрганиш ва уни ўзгартириш имконияти мавжуд

эканлиги ҳақидаги тушунчадан келиб чиқади. Экстремизмга қарши кураш стратегияси, жумладан ижтимоий реабилитация дастурлари дарҳол ўз самарасини бермаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Бир инсоннинг ҳаёт йўлини ҳар томонлама батафсил ўрганиб, ундан кейин унга керакли ёндашув билан “даволаш” ишларини олиб бориш узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Мутаассиб шахсни ижтимоий реабилитация қилишнинг асосий мезони инсонийлик, самимийлик ва раҳм-шафқатдир. Бу масалада қайта тарбияланувчининг қалбига кириб бориш, унинг адашган нуқтасини топиш ҳамда унга қониқтирувчи жавобни бериш муҳим ўрин тутати.

Дин никобидаги экстремистик, террористик ва мутаассиблик кайфиятидаги инсонни тўғри йўлга йўналтириш учун, албатта диний манбалардаги инсонпарварлик ғоялари ва уларнинг бунёдкорлик моҳиятини кифоя қиларли даражада етказиб бериш талаб этилади. Чунки экстремистик гуруҳлар диний манбалардаги алоҳида матнларни ўз манфаатлари йўлида бузиб, экстремистик тус бериб талқин этишлари асосий услуб ҳисобланади. Мисол тариқасида “Ҳизбут таҳрир” оқими томонидан Куръони карим “Оли Имрон” сурасининг 104-оятини ўзларининг ташкил этилишлари учун асос оят сифатида даъво қиладилар. Жумладан, оятда шундай дейилади: “Сизлардан яхшилиққа даъват этадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиртада) нажот топувчилардир”.

Мазкур оят тафсирида муфассир уламолар бир жамоат чиқиб, бошқаларни яхшилиққа буюриб, ёмонликдан қайтарадиган бўлса, бошқалар бўйнидан бу амал соқит бўлади, яъни амри маъруф ва наҳйи мункар фарзи кифоя, деган хулосани чиқарганлар. Имом Бағавий (ваф. 516/1122-23 й.) каби олимлар бу оятдан “сизларнинг барчангиз яхшилиққа чақирувчи ва ёмонликдан қайтарувчи уммат бўлингиз”, деган маънони чиқарган бўлиб, амри маъруф ва наҳйи мункарни фарзи айн деганлар [1:63]. Келтирилган оят ва тафсирларда қайсидир

гуруҳнинг чуқур диний билимга эга бўлмай туриб, даъватчилик билан шуғулланиб юриши лозимлиги ҳақидаги сўз бормайди. Айнан мана шу оят давомида, яъни 105-оятда: “Хужжатлар келгандан кейин ҳам бўлиниб, ўзаро ихтилофга берилган кимсаларга ўхшамангиз! Ана ўшаларга улкан азоб бордир” [1:63], дейилади. Яъни, фирқаларга бўлиниш катта жазога лойик эканлиги таъкидланади.

Юқорида келтирилган мисолда диний матнларни чуқур билмаган инсон турли гуруҳлар томонидан уларни ўз манфаатларига мослаб талқин этаётганликларини тушуниб етмайди ва муқаддас манбада шундай буйруқ келган экан деб, уларга эргашиб қолиши турган гап. Айқниқса, бугунги кунда диний манбалардаги матнлар – оят ва ҳадисларни ўз манфаатларига мослаб талқин этиб, ёшларни ўз сафига тортишга уринаётган гуруҳлар кундан-кунга ортиб бормокда. Уларни домига кўпинча фақат умумий ўрта таълим тизимини битириб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшлар илинмокда. Бунга кибермаконда ёшлар онги учун кетаётган кураш сабаб бўлмокда.

Экстремистик гуруҳларнинг ўз сафларига ёшларни тортишдаги асосий услубларидан бири шундан иборат бўлмокдаки, гўёки ёшлар уларнинг сафига қўшилмасалар бу дунёда кофир, охиратда дўзахий бўладилар. Бу каби чақирикни эшитган кўпгина ёшлар дунёдаги фитна ўчоқларига “жиҳод”, “ҳижрат” дея кетмокдалар. Бу билан ўзларига “жаннатдан жой” тайёрламокчи бўладилар. Аслида ўз юртларидаги тинч бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлиш улар учун икки дунё саодати эканини айрим ёшлар тушуниб етишлари қийин бўлмокда. Улар диний манбаларда келган матнларни қабул қилиш, улардаги ҳукмларни ҳаётга татбиқ этишдан олдин “илм ва ақл призмаси”дан ўтказиш кераклигини тушуниб етмаяптилар. Ёшларни ўз тузоғига илинтиришга интилаётган оқимлар ўзларини диний манбадаги ҳукмларни тўғридан-тўғри ҳаётга татбиқ этишга чақираётган бирдан-бир “ҳақ йўлдаги” кишилар деб талқин этмокдалар.

Айнан мана шу “тўғридан-тўғри” татбиқ этиш даъвоси билан ислом тарихида кўплаб оқимлар экстремистик фаолиятларини оқлашга уринган эдилар. Улар баъзан ислом динида ҳар бир ҳукми чиқаришда ягона Аллоҳнинг розилиги, Унинг бандалари манфаати, фитналарни бартараф этиш каби асосий тамойилларни эътиборга олиниши муҳим эканлигини унутиб кўядилар.

Мутаассиб оқим вакиллари ўз Ватанида тинч бунёдкорлик йўлидан бориб, ҳаёт кечиришга чақираётган диний соҳа вакилларига “сарой муллалари” тамғасини босишга уринмоқдалар. Ваҳоланки, авваламбор, бу диний соҳа ходимларининг саройга умуман алоқалари йўқ. Алоқаси бўлган тақдирда ҳам улар ўз юрти “саройи”га хизмат қилаётган бўлсалар, бу каби даъволарни кўтариб юрган оқим вакиллари юртимизга бегона бўлганларнинг “саройи”га хизмат қилмоқдалар. Яна улар “садоқат”дан дарс бермоқчи бўладилар.

Турли оқимлар томонидан ҳар йили кўтариб чиқиладиган “муаммолар” бу Рамазон ва ҳайит кунларининг бошланиши ва тугаши, янги йил, 8 март, наврўз байрамларининг ислом динида йўқлигини исботлаш масалалари. Қани энди кўтариб чиққан мавзулари мамлакат ривожига ҳисса қўшадиган “айтишга арзигулик” масала бўлса. Дарҳақиқат, ҳар бир дин ва эътиқод билан боғлиқ масаланинг ечими уламолар томонидан тақдим этилади. Ҳар қандай тадбир ёки байрам баҳона исрофгарчилик ва инсон табиатига, ислом динига зид бўлган ишлар ҳеч ким томонидан оқланмайди. Аммо байрам сабабли халқимизга хос бўлган хайру саховат, инсонпарварлик, исломга хос бўлган аёл ва оналар ҳурматини ўрнига қўйиш каби ишларнинг шариятга зид эканлиги ҳақида ким фатво бера олади? Бу каби масалаларни кўтариб чиқишдан мақсад жамиятни бирламчи асосий вазифалардан – юрт келажаги, Ватан тараққиёти каби бунёдкорлик ишларидан чалғитишдан иборат.

Бугунги кунда “жиход” деб даъво қилаётганлар қайсидир “қора кучлар”нинг

буюртмаларини бажараётганликларини нахотки билмасалар?! Шу каби нотинчлик ўчоқларига отланаётган ёшлар ҳам шу каби уруш учун тикилган пулларни “реализация” қилиш учун йўл олаётганларини ҳам баъзан анча кеч англамоқдалар. Ёшларимизнинг “Ислом”, “жиход”, “хижрат”, “шиҳидлик” каби тушунчаларни ўзларига никоб қилиб олиб, аслида эса ислом дини ва мусулмонлар зарарига ишлаётган оқим ва ҳаракатларнинг қурбонига айланаётгани жуда ачинарли ҳолатдир.

Хулоса. Келтирилган далиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон мутаассиб бўлиб дунёга келмайди. Уни мутаассибга айлантириш учун ишлаётган “махсус хизматлар” ва “махсус дастурлар” мавжуд. Уларнинг ўз олдларига қўйган мақсадлари бор. Албатта бу мақсадлар юртимиз ва жамиятимиз манфаатини кўзламайди. Мазкур дастурлар бўйича ишлов берилаётган ёшлар қани энди ушбу мақсадларни англаб етсалар! Шунда улар ёт ғоя ва оқимлар, “қора кучлар” фойдасига ва ўз зарарларига хизмат қилишдан тийилармидилар?! Улар бу билан фақат ўзларигагина эмас, юртларига, дўсту қадрдонларига, ота-она, қариндошларига зарар етказишларини, иснод келтиришларини англаб етганларида балки бу каби қабих ишларга қўл урмаган бўлармидилар?!

“Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” тамойили билан бир қаторда бугунги кунда “дастурга қарши дастур” билан курашиш замон талаби даражасига чиқди. Бу “қора кучлар”нинг ёшларни “мутаассибга айлантириш дастури”га қарши уларнинг “найрангларини очиб ташлаш дастури” ёрдамида курашишдир. Бу албатта осонликча кечмайди. Бунинг учун дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таҳлилларини амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Диний манбалардаги маълумотларнинг асл моҳиятини чуқур ўрганиш, англаб етиш ва уларни қизиқувчан ёшларга тўғри талқинда етказиб бериш ҳам ушбу дастурнинг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади.